O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 21 август, № 165 (4575) Пайшанба


**Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир**

# САНОАТ РИВОЖИ — МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛИ



**Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигига**



Жумамурот МИРЗАЕВ олган суратлар.

***Миллий иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани бундан 17 йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон халқи танлаган ўзига хос миллий тараққиёт йўли нечоғли тўғри эканининг ёрқин ва ишончли далилидир. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари изчил ошмоқда. Бу кўрсаткич 2008 йилнинг биринчи ярмида 9,3 фоизни ташкил этди. Барча жабҳаларда саноат ишлаб чиқариши изчил кенгаймоқда. Республикамизнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини оширишда Навоий кон-металлургия комбинати каби йирик саноат корхоналарининг ўрни беқиёсдир. Буни давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 июлда қабул қилинган "Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилда ушбу сананинг мамлакатимизда кенг нишонланиши ҳам тасдиқлайди.***

### Мустақил юрт олтини

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда юз бераётган кенг кўламли янгиланишлар жараёни, аввало, иқтисодий ўсишни тизимли бозор ислоҳотлари, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган соҳалар ва корхоналарни ривожлантириш ҳисобидан таъминлашга қаратилган. Навоий кон-металлургия комбинатининг, таъбир жоиз бўлса, олтин жамоаси ҳам ушбу муҳим жараёнга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мазкур комбинат ташкил этилганидан буён ўтган 50 йил мобайнида Қизилқум саҳроси ўзлаштирилди, чексиз қумликлар бағрида замонавий инфратузилмага эга ажойиб шаҳарлар бунёд этилди, қудратли ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, янги тоғ-кон ва транспорт техникаси ўзлаштирилди, дунёда ўхшаши йўқ технологиялар ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилди. Энг муҳими, ўз иши ва Ватанига содиқ, юқори малакали, янгича фикрлайдиган минглаб мутахассислар тайёрланди.

Ана шундай улкан ишлаб чиқариш ресурсларига эга ушбу комбинатнинг Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнггина ўзининг беқиёс салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга эришгани, нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти, балки жаҳон бозорида ҳам муносиб ўрин эгаллаганида чуқур рамзий маъно бор, албатта.

Президент Ислом Каримов ўтган асрнинг 90-йиллари бошида иқтисодиётни тубдан қайта ташкил этиш, мутлақо янги ижтимоий-сиёсий муносабатларни ўрнатиш билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, Навоий кон-металлургия комбинатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди, комбинатга бир неча марта ташриф буюриб, бу ерда меҳнат қилаётган кишилар билан суҳбатлашди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан комбинатга йирик давлат

(Давоми 2-бетда).

**Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси олдидан**



*Шу кунларда парламент юқори палатаси қўмиталарида ишлар қизғин бормоқда. Зотан, бир неча кундан сўнг — энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида сенаторлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор қонунлар муҳокамасига бағишланган анжуманга йиғилишади. Сенат аъзолари эътиборига ҳавола қилинаётган ҳужжатлар қаторида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳам бор. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда РАЖАБОВА "Халқ сўзи" мухбирига ушбу ҳужжат хусусида қуйидагиларни гапириб берди:*

# МАҚСАД — ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ

— Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида қуйи палата муҳокамасига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилиши учун Олий Мажлис Сенатига 2008 йил 26 июнда тақдим этилган.

Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ва "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Қонунга биноан, Жиноят кодекси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахси жиноятни ҳисобга олишни қасддан яширганлиги учун жавобгарлик белгиланадиган 241[1]-модда билан тўлдирилмоқда.

Жиноят кодексининг "Одил судловга қарши жиноятлар" деб номланган XVI боби таркибига киритилган ушбу моддада жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органлари терговчилари томонидан олиб борилиши белгиланган. Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган ўзгартишларга кўра, Жиноят кодексининг 50 та моддасида назарда тутилган, илгари тергови прокуратура органларига тегишли бўлган жиноятлар бўйича тергов олиб бориш ички ишлар органлари юритувига ўтказилмоқда. Айни вақтда Жиноят-процессуал кодексининг "Жиноят ишининг терговга тегишлилиги" деб номланган 345-моддаси турли дастлабки тергов органлари терговига тегишли жиноятларга доир ишларни прокурор томонидан битта юритувга бирлаштиришни янада аниқроқ тартибга солиш ҳамда терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона олиб борилишини таъминлаш мақсадида алоҳида ҳолларда жиноят ишини, терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари ҳақли эканлиги белгиланган иккита янги қисм билан тўлдирилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг "Прокурорнинг ваколатлари" деб номланган 382-моддасига, шунингдек, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг "Прокурорнинг ваколатлари" деб номланган 28-моддасига, "Прокуратура органлари томонидан жиноятларни тергов қилиш" деб номланган 29-моддасига ва ушбу Қонунда қўлланилган айрим атамаларнинг талқинига оид 56-моддасига аниқлаштирув хусусиятига эга бўлган ўзгартишлар киритилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари замирида инсон ҳуқуқларини, унинг шаъни ва қонуний манфаатларини таъминлаш ётибди. Шу маънода дастлабки терговдаги айрим ваколатларга доир ўзгартишлар ҳам бу йўналишдаги ишларимизнинг сифатини янада оширади.

**Қ. ХИДИРОВ ёзиб олди.**

## АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

***— «Август ойи — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови» шиори остида республикамизда «Зарбдор 30 кунлик» эълон қилингани айни муддао бўлди, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ҳабиб-Ориф-агро» фермер хўжалиги раҳбари, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Холдор Нигматуллаев. — Нега деганда, жорий йилда ҳам улкан «оқ олтин» хирмони яратишга аҳд қилган фермерлар бу ой — ғўза парвариши мавсумида масъулиятли давр эканлигини чуқур ҳис этиб, ҳар қачонгидан кўра ғайрат-шижоат кўрсатиб ишладилар.***

# 20 КУН ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Натижада, асосий майдонларда ғўзанинг ривожини 10-15 кунгача тезлаштириш, ҳар бир туп ғўзада мўлжалдагидан кўпроқ тўқ кўсаклар тўплашга эришилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотга қараганда, ўтган 20 кун мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд ғўза майдонларида катта ҳажмда иш бажарилди. Хусусан, республика бўйича 21 минг 332 та культиватор жалб қилиниб, 1 миллион 667,3 минг гектардан зиёд майдондаги ғўза культивациядан чиқарилди. Ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унуми ўртача 3,8 гектарни ташкил этди. Андижон, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич 4-5,2 гектарга етди.

Экинни суғориш, чопиқ ва ўтоқ қилиш борасида эса Андижон, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятларида юқори унумдорлик кузатилди. Жумладан, вегетацион суғориш ишлари Фарғонада 125, Тошкентда 113,6, Андижонда 105,6, Бухорода 102,5 фоиз уддалангани шундан далолат беради.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 92680 нафар киши ғўзани суғориш, 240 минг 887 нафар киши эса чопиқ ва ўтоқ қилиш билан банд. Улар ой охирига қадар бу юмушларни сусайтирмасликка қатъий бел боғлаганлар. Шу билан бирга, жойларда культивациялаш, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши кураш, ғўза баргини сунъий тўктириш, пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриш юмушлари жадал олиб борилмоқда. Зеро, ҳар бир фермер, энтомолог-ҳосилот, механизатор, сувчи ва хўжалик аъзоси бунёд этилажак мўл ҳосилдан, улкан пахта хирмонидан пировардида ўзларининг дастурхонлари янада тўкин бўлишини, даромадлари кўпайиши эса эл-юртимиз ободлиги, иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилишини чуқур англаб турибди. Деҳқону фермерларга муносиб иш шароити яратиб берилгани, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилгани, ўз навбатида, уларни янги довонларни забт этишга даъват қилмоқда.

**И. ЎТБОСАРОВ.**

# «ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ»

***Мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида хорижий мамлакатларнинг таниқли ижтимоий-сиёсий арбоблари халқимизни байрам билан табриклаб, истиқлол йилларида юртимиз эришган натижалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқда.***

**ГФР собиқ ички ишлар вазири, Бундестаг депутати Отто Шили,** жумладан, шундай деди: «Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан изчил ривожланиб бормоқда. Кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида юртингизда халқнинг бой маданияти, асрий анъаналарини эътиборга олишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда стратегик барқарорликнинг таъминланишида муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бир қаторда, республика ўзининг кучли иқтисодий давлат сифатидаги мавқеини ҳам мустаҳкамлаб бормоқда.

Биз Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги иқтисодий соҳада изчиллик билан ривожланаётганидан, айниқса, мамнунмиз. Ушбу йўналишдаги муносабатларимиз янада кенгайишига умид қиламан.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва ишончли ҳуқуқий тизимни яратиш давлатнинг сиёсий ҳамда иқтисодий тараққиёти учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Биз Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари ва қўлга киритаётган натижаларини қутлаймиз. Бинобарин, тараққий этган ҳуқуқий тизим сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар самарасининг гаровидир. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани фикримизнинг ёрқин исботи ҳисобланади. Бу, шубҳасиз, олдинга ташланган муҳим қадам бўлди.

**▼ Дунё нигоҳи**

Қолаверса, Ўзбекистон раҳбариятининг суд тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган интилишлари унинг том маънодаги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги мақсадлари жиддий эканини намойиш этмоқда. Бундай сиёсат келажакда ҳам давом эттирилишига ишонаман».

**«Бремен — Ўзбекистон дўстлик жамияти» президенти, Бремен федерал ери Ландтаги (парламенти) депутати Е. Мочманн** қуйидагиларни қайд этди: «Аввало, Ўзбекистонда ёш авлодни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашни истар эдим. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда ёшларнинг сифатли билим олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани қувонарлидир.

Мустақиллик йилларида юртингиз демократик ислоҳотлар йўлида эътиборга молик ютуқларни қўлга киритди. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилгани туфайли республика ўтиш босқичи муаммоларини муносиб енгиб ўтди.

Демократлаштириш, бу аввало, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам кўрсатишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, деганидир. Шу маънода Ўзбекистонда кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини бераётган самарали ижтимоий ҳимоя тизими такомиллашиб бораётгани таҳсинга сазовордир.

Юртингизнинг бой тарихи, маданияти ва анъаналари, ажойиб меъморчилиги ислом маданияти ва меросида муҳим ўрин тутади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон бу меросни асраб-авайлабгина қолмай, балки ундан маданиятлараро ва динлараро мулоқотни ривожлантиришдаги муҳим омил сифатида фойдаланиб келмоқда.

Мамлакат мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида ўзбек халқини эришилган ютуқлар билан чин қалбдан

(Давоми 2-бетда).



# УЧ КУНДА УЧТА МЕДАЛЬ

Дунё спорт ихлосмандлари диққат билан кузатиб бораётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг ўн учинчи куни ҳам ортда қолди. Аҳамиятлиси, шу куни Ўзбекистон терма жамоаси хазинаси яна битта Олимпиада ўйинлари медали билан бойиди. Эркин кураш бўйича мусобақада Сослан Тигиев (74 кг.) Олимпиада ўйинларининг кумуш медали билан тақдирланди.

(Давоми 4-бетда).

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ЮКСАЛМОҚДА

**Бир рақам шарҳи**







**2008** йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги **42,8** фоиз ўрнига **44,7** фоизни ташкил этди.

Ҳудудларда ахборот технологияларидан фойдаланиш, молиявий капитални тўплаш ва кредит-тўлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган замонавий хизмат турларининг жадал ривожланиши, шунингдек, янги чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, автомобилларни таъмирлаш устахоналари ишга туширилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

# УЧ КУНДА УЧТА МЕДАЛЬ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизнинг энг иқтидорли эркин курашчиларидан ҳисобланган Сослан финалгача бўлган беллашувларда руминиялик Георгита Стэфан, грециялик Эмзариос Бентинидис, беларуслик Мурод Гайдаровни мағлубиятга учратди. Финалда ҳамюртимизга икки карра Олимпиада ўйинлари чемпиони, россиялик Бувайсар Сайтиев рақиб бўлди. Қизиқарли ўтган беллашувнинг биринчи бўлимини полвонимиз ғалаба билан якунлади. Аммо қолган икки бўлимда тажриба барибир ўз сўзини айтди. Якунда россиялик курашчи кичик устунлик билан зафар қучди. Сослан Тигиев бу сафар Олимпиада ўйинларининг кумуш медали билан кифояланадиган бўлди.

Сослан Тигиев 1983 йилда туғилган. У эркин кураш бўйича кўплаб нуфузли халқаро турнирлар, жаҳон чемпионати ва кубоги совриндоридир. Жорий йилнинг 16-21 апрель кунлари Швейцариянинг Мартини шаҳридаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаб, Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган эди.



Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

Жорий йилда ўзининг ўттиз уч ёшини нишонлаган Бувайсар Сайтиев эса эркин кураш бўйича олти карра жаҳон чемпиони бўлган. У 1996 йил Атланта ва 2004 йил Афина шаҳарларида ўтказилган Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритган.

74 килограмм вазнгача бўлган эркин курашчилар ўртасида бронза медаллари Мурад Гайдаров (Беларусь) ва Кирил Терзиев (Болгария)га насиб этди.

Шу ўринда Пекин Олимпиадаси йўлланмаларини қўлга киритиш дунё спортчилари учун ниҳоятда қийин кечганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтиш лозим. Бу сафар Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан йўлланмалар берадиган меъёрий кўрсаткичлар сезиларли даражада мураккаблаштирилди. Бугун Пекин майдонларида баҳс юритаётган спортчилар ана шундай қийин босқичдан сараланиб олинган.

Ҳозиргача Олимпиада медалларини қўлга киритган ҳамюртларимиз — Ришод Собиров ва Абдулла Тангриев (дзюдо), Екатерина Хилько (трамполин, батутда сакраш) Антон Фокин (спорт гимнастикаси, брусда машқ бажариш) эришган ғалабалари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Умид қиламиз, медаллар сони янада кўпаяди.

Умуман, 20 август куни ўзбекистонлик спортчилар эркин кураш, бокс ва енгил атлетика бўйича мусобақаларда иштирок этдилар. Боксчимиз Элшод Расулов чорак финалда кубалик Эмилио Байо Карреага қарши рингга кўтарилди. Учинчи раундгача беллашув тенг курашлар остида кечди. Аммо якунда вакилимиз 7:9 ҳисобида имкониятни бой бериб, мусобақалардаги иштирокини муддатидан олдин якунлади. Енгил атлетиканинг лангарчўпда сакраш баҳсларида Леонид Андреев Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Бугун бўладиган эркин кураш баҳсларида уч нафар спортчимиз — жаҳон чемпионати совриндорлари — Заурбек Сохиев, Қурбон Қурбонов ва Афина Олимпиадаси ғолиби Артур Таймазов гиламга чиқадилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

*Мустақиллик байрами арафасида Гулистон шаҳрининг «Аҳиллик» маҳалласида бирваракайига 300 нафар болакай спортнинг минифутбол, волейбол, баскетбол, югуриш турлари билан шуғулланиш имкониятига эга ўйингоҳ фойдаланишга топширилди.*

## «Аҳиллик»да кўркам ўйингоҳ

Истиқлол байрами арафасида ҳашар йўли билан қурилган бу масканда турли арғимчоқлар ҳам эртаю кеч кичкинтойлар ихтиёрида.

Қурилишнинг асосий қисмини маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркору ишбилармонлар амалга оширишди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



## БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

***Чилонзор мавзесининг бешинчи даҳасидаги болалар мини-шаҳарчасида муҳайё этилган шарт-шароитларни ўз кўзлари билан кўрган ён-атрофдаги шундай муассасалар ходимлари бу ерда яйраб-яшнаб, униб-ўсаётган болаларга ҳавас билан қарашмоқда. Бу бежис эмас. Замонавий дизайн талаблари асосида безатилган бу кичкинтойлар шаҳарчаси нафақат шинам ва гўзал қиёфаси, балки яйраб арғимчоқ учаётган, «тоғ»лардан пастга завқ билан сирпанаётган, қумдан турли «иншоот»лар ясаётган, эртакларда тасвирланадиган уйларга «кўчиб кираётган» бахтиёр болажонлари билан ҳам киши эътиборини ўзига тортади.***



Болаларнинг қувончи ичига сиғмайди. Айниқса, эгизак Ҳасан-Ҳусанлар бу ерда ўйнашни жуда ёқтиришади.

— Шаҳарчада ҳамма нарса бор, — дейишади улар ҳаяжон билан. — Яқинда катта байрам бўлди. Бизга масхарабозлар келишди, дискотека бўлди. Биз шеър ўқиб, қўшиқ куйладик.

«ЛУКОЙЛ — Ўзбекистон» компанияси ёш чилонзорликлар учун уюштирган ўша байрамни кўпчилик ҳамон мамнунлик билан эслаб юради.

— Ушбу болажонлар майдончаси сизлар учун, — деди компания бош директорининг ўринбосари Сергей Стороженко кичкинтойлар ва уларнинг ота-оналарига мурожаат этиб. — Биз болажонларнинг бу ерда яйраб ўйнаб, соғлом ва қувноқ бўлиб улғайишларини истаймиз.

— Ёшлар йилида кичкинтойларга шундай ажойиб совға тақдим этганлари учун компания раҳбарияти ва бутун жамоасига чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз, — деди Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари Александр Акмуродов. — Биз ушбу болалар майдончасини доимо гўзал ва шинам ҳолда сақлашга ҳаракат қиламиз.

Компания раҳбарияти таъкидлаганидек, «ЛУКОЙЛ — Ўзбекистон» асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланади, ўз ходимлари меҳнат қилаётган ҳудудларда ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган тадбирларда ҳам фаол қатнашмоқда. Шу боис мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод камолига қай даражада юксак эътибор берилаётганини кўриб ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ушбу лойиҳа амалга оширилиб, пойтахтнинг аҳоли энг зич жойлашган туманида болалар майдончаси барпо этилди.

Ажойиб совға фақат болажонларга чексиз қувонч улашиб қолмай, уларнинг ота-оналари, бобо ва бувиларини ҳам ғоят хушнуд этди.

— Шу майдонча очилгандан буён неварам Юлияни уйда ушлаб туриб бўлмай қолди, — дейди кулиб Юрий Иванович. — Илгари боғчасига шошиларди. Энди янги майдончага бораман, деб хархаша қилади. Очиғини айтганда, бу совға нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам ҳавасини келтирадиган даражада мукаммал. Кичкинтойлар кун бўйи очиқ ҳавода ўйнашади, тенгқурлари билан бирга камол топишади. Энди бўёғи биз катталарга, биринчи навбатда эса, шу атрофдаги уйларда яшовчиларга боғлиқ. Ахир фарзандларимиз учун барпо этилган бу майдончани авайлаб асрашимиз керак.

Дарвоқе, бу «ЛУКОЙЛ — Ўзбекистон» тошкентлик болаларга совға қилган иккинчи ўйин майдони. Компания бухоролик кичкинтойлар учун ҳам шундай шинам майдонча қуриб берган.

**Собир АЛИЕВ.** t

## Ёшлар форуми

***Марғилондаги «Ёшлар боғи»да Ёшлар форуми ўтказилди. Тадбирда Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган ўқувчи, талабалар қатнашдилар.***

▼ Тадбир

Улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, янги ишга туширилган иншоотлар билан танишдилар. Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар, кино ва эстрада юлдузлари, ёш иқтидор эгалари кечага алоҳида файз киритишди.

Мустақилликнинг 17 йиллигига бағишланган бундай анжуман вилоятнинг Бешариқ, Фарғона туманларида ҳам бўлиб ўтди.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

MMS:

## НАРХ ИККИ БАРАВАР АРЗОН

МТС

***Фотокамера ва диктофонли мобил телефонлар ҳаётимизга кириб келганига анча бўлди. Кўпчилик ўз ҳаётининг қизиқарли лаҳзаларини суратга олишни ёки дўстлари ва яқинларининг овозларини ёзиб олишни ёқтиради. Замонавий мобил алоқа имкониятлари эса буларни телефонларда сақлаш ва дўстларимизга юбориш имконини беради.***

Шундай хизмат турлари кундан-кунга оммавийлашиб бормоқда. Етакчи бир агентлик экспертнинг фикрича, MMS (мультимедия хабарлари билан алмашинув) хизматини Ўзбекистондаги мобил алоқадан фойдаланувчиларнинг тахминан 70 фоизи билишади. Уларнинг кўпчилиги оддий қўнғироқлар, SMSлар билан бирга MMS хабарларидан ҳам фаол фойдаланмоқда. Жорий йилнинг август ойидан бошлаб МТС абонентлари бу хизматдан янада кўпроқ фойдаланишлари мумкин — Ўзбекистон бўйича MMS хабарини юбориш икки бараваргача арзонлаштирилди: **$0,05**.

MMS хизмати доирасида фақатгина матнли хабарларнигина эмас, балки график сурат, расмлар ва қисқа аудиовидеофайлларни ҳам юбориш имконияти бор. Бунинг учун Интернет тармоғига уланган компьютер керак эмас — фақат абонентларнинг мобил телефонлари MMS хабарини юбориши керак. MMS хизматидан фойдаланиб, сиз таътил давомида олинган фотосуратларни ёки бошқа шаҳарда яшовчи кичик жиянингизнинг биринчи бор айтган сўзларини дўст-яқинларга юборишингиз мумкин.

MMS хизмати WAP ва GPRS Интернет хизматлари билан биргаликда ишлатилади. Ушбу хизматларни компания офисларида ҳамда мустақил равишда ***111#** рақами бўйича **«USSD-портал»** орқали, шунингдек, бевосита **111*0011#** USSD-команда рақамига қўнғироқ қилиб ёки **«Шахсий кабинет»** хизмати орқали ёқиш мумкин.

Агар MMS/WAP/GPRS хизматлари биринчи бор ишлатилаётган бўлса, уларни бепул созлаб олиш мумкин. Бунинг учун **«Созлаб олинг»** хизматининг **0876** рақамига қўнғироқ қилсангиз, бас.

«Ўздунробита» акциядорлик компанияси бош директорининг абонентларга хизмат кўрсатиш бўйича ўринбосари **Нуриддин Шодмонов** нархларнинг арзонлашувини қуйидагича изоҳлайди: *«MMS хизмати инсонларга янада эркинроқ ва қизиқарлироқ мулоқот қилишга имкониятлар яратади. Ишонч билан айтамизки, бизнинг ташаббусимиз MMS мулоқотининг худди SMS хабарларидек оммавийлашишига ёрдам беради».* t





MMS юбориш нархлари икки бараварга арзонлаштирилди

МТС билан энди ўзингизнинг янги қизиқарли таассуротларингизни дўст ва яқинларингизга икки марта кўпроқ юборишингиз мумкин.

Ўзбекистон бўйича MMS юбориш нархи – $0,05 бир хабар учун.

МТС алоқа оператори МТС

Хизматлар лицензияланган.



МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.



МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни таклиф этади.



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru


INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий к.,13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6 7